*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2012 йил 19 апрель, пайшанба
**16-(440)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**«БИЗ – БИР ЖАМОА, БИЗ – БИР ОИЛА»** АКЦИЯСИДА ЎН МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАТНАШИШДИ

03 ЯНГИ АВЛОД



**КИЧИК БИЗНЕСГА** ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН **4,5 ТРЛН.** СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

06 ИСЛОҲОТ



ҲАР КУНИ САЙЁРАМИЗДА **ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧАРЧИЛИКДАН** 25 МИНГ КИШИ ҚУРБОН БЎЛМОҚДА

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Сиёсий таълим

## БУЮК ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА» НОМЛИ АСАРИ МАМЛАКАТИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА КАТТА ВОҚЕА БЎЛДИ

Бугунги кунда аҳолининг турли қатламлари орасида ушбу асарни ўрганишга қизиқиш тобора кучайиб бораётгани бежиз эмас. Чунки ундан ўрин олган маъруза ва нутқлар, биринчи навбатда, ҳар томонлама чуқур ҳаётий ва мантиқий асосга эга экани, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон манфаатини қатъий ҳимоя қилишга қаратилган принципиал позицияси ёрқин акс эттирилгани билан алоҳида ажралиб туради.

3 ►►

## «Хабеас корпус» институти янада мустаҳкамланади

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА «СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Агар «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ назар солсак, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришнинг бугунги кундаги устувор вазифаларига, хусусан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган лавозимдан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал-мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини жорий этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилганини кўрамиз. Чунки бундай процессуал-мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради. Бундай ўзгартишнинг энг муҳим жиҳати шундаки, у фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, уларни суд қарорисиз озодликдан маҳрум этиш ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги тўғрисидаги қоиданинг амалдаги тантанасини таъминлайди.

Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳасида ҳам қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини судлар томонидан кўриб чиқиш тартибига ўхшаш судланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судлар томонидан кўриш тартиби кўзда тутилмоқда.

2 ►►

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

**9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 67 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:**

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 апрель

Форум



## «МУЛКДОР ОИЛА» ЛОЙИҲАСИ

ФАРОВОН ЖАМИЯТ БУНЁДКОРЛАРИНИ КАШФ ЭТА БОШЛАДИ

O'zLiDeP «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш учун бир нечта йирик лойиҳани амалга оширишга киришди. Таҳлилчилар 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган ана шу лойиҳалар асосида 70 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилишини таъкидламоқдалар.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида партиявий лойиҳалар тарғиботига бағишланган "Мулкдор оила — фаровон жамият бунёдкори" форуми бўлиб ўтмоқда.

Шу кунгача бу тадбир Жиззах, Хоразм, Сирдарё, Тошкент, Андижон, Наманган, Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида, 3 апрелда эса Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди.

3 ►►

Депутатлик гуруҳларида

## Назорат-таҳлил фаолияти кучайтирилмоқда

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА O'ZLIDEP ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН **«ЧОРВАЧИЛИК, НАСЛЧИЛИК ҲАМДА ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАР УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ** ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Маълумки, томорқани муҳим даромад манбаига айлантириш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, электорат манфаатини қатъий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурий мақсадларидандир. Зеро, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш стратегияси бўйича белгиланган вазифаларни бажариш нисбатан қулай имкониятларга эга бўлган ўрта синф вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бошқача айтганда, ушбу сектор қамровини янада кенгайтиришда мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланиш давр талабидир.

— O'zLiDeP амалга ошираётган лойиҳалар эндиликда нафақат марказда, балки юртимизнинг барча ҳудудларида ҳам ўз ифодасини топа бошлади, — дейди Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Адҳам Ҳусанов. — Фаолларимиз томонидан Тошкент, Сирдарё ва Наманган вилоятларида кун тартибига олиб чиқилаётган қатор масалалар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Кези келганда, Сиёсий Кенгашнинг IV мажлисида айрим маҳаллий кенгашлар фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермай туриб, зиммамиздаги вазифаларни самарали ҳал этиш, сайловчиларга берилган ваъдалар устидан чиқиш мушкуллиги алоҳида қайд этилганини эслаш ўринлидир.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан тақдим этилган «Чорвачилик, наслчилик ҳамда озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантиришга ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш ишлари юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш тўғрисида»ги Ҳаракат дастури тасдиқлангани ҳам бежиз эмас.

2 ►►

Имтиёз ва имконият

## Ангрен улкан ўзгаришлар остонасида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АНГРЕН» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ НАФАҚАТ АНГРЕН, БАЛКИ УНГА ТУТАШ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН ҲАМ НИҲОЯТДА МУҲИМ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Агар Буюк ипак йўлида жойлашган мазкур ҳудуднинг жуда катта имконият ва салоҳиятга эгалиги, у пойтахт вилоятини водий ҳамда воҳа вилоятлари билан боғловчи асосий кўприклардан бири эканини инобатга олсак, фармонда кўзда тутилган имтиёзлар ҳақиқатан ҳам бутун мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилажагини англаб етамиз.

Гарчи кейинги йилларда Ангрен шаҳрида улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган бўлсада, янги фармон асосида инвестициялар учун яратиб берилаётган узоқ муддатли имтиёз ва преференциялар Ангренни тез орада мамлакатимизнинг энг саноати ривожланган ҳудудига айлантириши таъкидланмоқда.

Фармон моҳиятига чуқурроқ эътибор қаратсак, унда ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этишга қулай шароитлар яратиш назарда тутилаётганини кўрамиз.

2 ►►

**БУГУНГИ СОНДА:**

ФАРҒОНАДА O'ZLIDEP ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН **«ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ»** ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА? 4►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 17 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ 1911,01 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 2932,02 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 324,32 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 504,55 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ 1853,01 |
| 1 Миср фунти | ▲ 306,99 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ 14,50 |
| 1 Канада доллари | ▼ 1853,38 |
| 1 Хитой юани | ▲ 293,51 |
| 1 Малайзия ринггити | ▲ 603,59 |
| 1 Польша злотийси | ▼ 576,79 |
| 1 СДР | ▲ 2859,19 |
| 1 Туркия лираси | ▼ 1029,16 |
| 1 Швейцария франки | ▼ 2006,94 |
| 1 ЕВРО | ▼ 2430,23 |
| 1 Жанубий Корея вони | ▲ 16,28 |
| 1 Япония иенаси | ▲ 229,13 |
| 1 Россия рубли | ▲ 62,88 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ 232,06 |

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ УШБУ ФАРМОНИ ЭСА** сармоядорларнинг ана шундай манфаатларига тўла мос келгани учун ҳам кўплаб чет эллик тадбиркорлар эътиборини торта бошлади.

# «Хабеас корпус» институти янада мустаҳкамланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»



— Судга қадар иш юритув босқичида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал-мажбурлов чораларини қўллаш бўйича прокурор (суриштирувчи, терговчи) ваколатининг судларга ўтказилаётгани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига тўла мос келади, — деди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсунов. — Шунингдек, қонун лойиҳаси ушбу масалани холис ва бетараф орган, яъни суд томонидан тегишли суд процедураларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш учун керакли шарт-шароитларни яратади. Бу эса амалда «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини мустаҳкамлаш имконини беради.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Лойиҳанинг мақсади — хатланган мол-мулкни реализация қилишни тартибга солишдан иборат. Унинг 3-моддасида риэлторлик фаолияти риэлторлик ташкилоти томонидан махсус лицензия асосида амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, қонунда риэлторлик ташкилоти фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам белгиланган.

Қонун қабул қилингунга қадар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 56-моддасига асосан хатланган мол-мулкни, шу жумладан, ер участкаси, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқлари, ер участкасига бўлган мулкий ҳуқуқлар, шунингдек, хатланган автомототранспорт воситаларини реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ажратилган майдончаларда биржалар томонидан ўтказиладиган очиқ аукцион шаклидаги кимошди савдосида амалга оширилар эди.

Риэлторлик фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқилганда, биржалар кўчмас мулк объектларини ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш, яъни риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

Шу муносабат билан лойиҳада «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 56 ва 63-моддаларига хатланган кўчмас мулкларни риэлторлик ташкилотлари томонидан, хатланган автомототранспорт воситаларини эса савдони ташкил этишни амалга оширувчи ташкилот сифатида махсус савдо ташкилотлари томонидан реализация қилинишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари, шунингдек, биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 249-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан партиянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Депутатлик гуруҳларида

# Назорат-таҳлил фаолияти кучайтирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Ҳужжатда асосий эътибор «Наслчилик тўғрисида» ва “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вилоятдаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб боришга қаратилган.

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Файзиевнинг фикрича, мазкур дастур вилоятда чорва бош сонини кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва унинг хавсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Дастурда аграр соҳани замон талаблари даражасида ривожлантиришга амалий ёндашилганлиги ва илмий муассасалар фаолиятини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилганлиги, айниқса, аҳамиятлидир, — дейди Қибрай туманидаги «Истиқлол Шукурова Гўзал Насруллаевна» фермер хўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова. — Вилоятимизда бу борада жуда катта салоҳият мавжудлиги қишлоқ хўжалигининг истиқболли йўналишларини тараққий эттиришга кенг имкониятлар яратади.

Шу ўринда O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида жиддий танқидга учраган Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ҳам йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулосалар чиқарилиб, депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан яхшилаш борасида зарур чоралар белгилаб олинганини таъкидлаш жоиз.

— Биз, асосан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган депутатлик назоратининг самарадорлигини таъминлашга эътибор қаратаяпмиз, — дейди халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Тожимирза Сайфуллаев. — Хусусан, куни кеча бўлиб ўтган йиғилишимизда Давлат дастурининг 36 бандида ОТБнинг 1 млн. 690 минг долларлик кредит маблағи ҳисобидан Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманларида сув таъминотини яхшилаш борасидаги ишлар ижросига масъул бўлган мутасадди идоралар фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича зарур чоралар белгилаб олинди.

Наманган вилоятидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари эса давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиш ҳолати, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиниши бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан эшитувлар ўтказмоқда.

Мисол учун, Наманган, Чуст ва Поп туманлари депутатлик гуруҳлари йиғилишларида мазкур масала атрофлича таҳлил этилиб, зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу туманлар ҳокимликлари ва қишлоқ хўжалиги масалаларига мутасадди бўлган идоралар раҳбарларининг ҳисоботларига кўра, бугунги кунда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш натижасида бу тармоқ аграр соҳанинг ҳал қилувчи кучи сифатида шаклланган бир пайтда Наманган, Чуст ва Поп туманларидадаги бир қатор фермер хўжаликлари ўтган қишлоқ хўжалиги йилида пахта етиштириш шартномавий мажбуриятини бажармаган.

— Жойларда бу масалага катта эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас. Чунки етарли иқтисодий билим ва малакага эга бўлмаган, фермерлик ҳаракатининг амалий аҳамияти ва моҳиятини тушунмаган “деҳқон”лардан воз кечиш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш учун маҳаллий ҳокимликларга ёрдам беришни мақсад қилганмиз, — дейди халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Анвар Отахўжаев. — Биргина Чуст туманини олсак, ўтган йилларда 12 та фермер хўжалигидан ер майдонлари қайтариб олиниб, мақбуллаштириш тадбирлари натижасида илғор фермер хўжаликларига қўшиб берилди.

O`zLiDeP Сайловолди дастурида белгилаб қўйилганидек, партия ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда ўз аксини топиши, балки амалда ҳам унга қатъий риоя қилиниши керак, деган ғояни илгари суради. Халқ депутатлари Тошкент, Сирдарё ва Наманган вилоят кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг долзарб масалалар юзасидан олиб бораётган назорат-таҳлил фаолияти ана шу ғоянинг амалий ифодасидир.

Танлов

## МЕҲМОНХОНА МИЖОЗЛАРИ УЧУН ШАМПУНЬ

Косон туманидаги «Бону косметикс» масъулияти чекланган жамиятида 10 хил парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Уларнинг асосий қисми вилоят маркази ва туманларидаги меҳмонхоналарга етказиб берилмоқда.

— Қисқа фурсатда парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, — дейди жамият раиси Акром Эргашев. — Шунинг ҳисобига Ровот маҳалласидаги ёшларни иш билан таъминладик. Бу йил маҳсулотларимиз турини икки баробарга оширмоқчимиз. Фойда эвазига эса замонавий технологиялар харид қилишни режалаштираяпмиз.

## «ИСУЗУ» СУРХОНДАРЁЛИКЛАР ХИЗМАТИДА



Автомобиль ва дарё транспорти агентлигидан хабар қилинишича, Сурхондарё вилоятида аҳолига кўрсатилаётган автотранспорт хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида воҳадаги йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар, хусусан, Термиз шаҳридаги «Сурхон-Осиёқурилиш-транс-сервис», Денов туманидаги «Юсуф-Транс-Денов» ҳамда Шўрчи туманидаги «Шўрчи-Олтин-Тупроқ» МЧЖларига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган 21 та «Исузу» автобусларини харид қилиш учун банк кредитлари берилди. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, вилоятда 6 та йўловчи ташиш йўналишлари ташкил этилиб, ўз навбатида 26 та янги иш ўрни яратилади.

Маълумотларга кўра, жорий йил охиригача йўловчи ташувчилар томонидан банк кредитлари ва лизинг шартномалари асосида яна 81 та ана шу русумдаги автобусларни харид қилиш режалаштирилган.

Таҳририятдан

# Ангрен улкан ўзгаришлар остонасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

— Фармонда маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини маҳаллий тадбиркорларимиз ҳам таъкидлай бошладилар, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов. — Бу эса мазкур фармон Ангреннинг ер ости ва ер усти бойликларидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишини англатади. Фармонда амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан тортиб барча ташкилий масалалар тўла қамраб олинган. Гарчи Ангренда 200 мингта яқин аҳоли истиқомат қилаётган бўлса-да, ҳудудда 20 га яқин йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги, мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётгани ҳозирданоқ инвесторлар эътиборини торта бошлади.

— Президентимиз фармонида мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Ангрен» МИЗ ҳудудига олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловларидан озод этилиши хорижлик инвесторлар учун ниҳоятда муҳим омил саналади. Бу эса Ангренга йирик сармояларнинг жалб этилишига олиб келади, — дейди «Orient Capital manegment» консалтинг компанияси раҳбари Анвар Ирчаев. — Пировардида ҳудудда минг-минглаб қўшимча иш ўрни яратилишига, маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий компаниялар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишларига кенг йўл очилади.

> **МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНАДА ЮКСАЛИШИ, ШУБҲАСИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ТЕЗЛАТАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИНИНГ ТУБ МОҲИЯТИНИ ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАРИМИЗГА, ЙИРИК САРМОЯДОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРГА ЕТКАЗИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИМИЗ КЕРАК.**

Бугун мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалиши, шубҳасиз, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш жараёнини янада тезлатади. Шунинг учун ҳам Президентимиз фармонининг туб моҳиятини хорижлик ҳамкорларимизга, йирик сармоядор ва ишбилармонларга етказишда фаол иштирок этишимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарувчиларга бундай имтиёз ва преференциялар берувчи индустриал зоналар тажрибасидан дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларида унумли фойдаланилаётганини, улар маълум бир ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар киритиш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаётганини таъкидлаш жоиз.

Ангреннинг катта автомагистрал йўл ёқасида жойлашгани, йирик саноат корхоналарига эга экани эса шубҳасиз ҳар қандай сармоядор эътиборини тортади. Маълумки, тадбиркор энг аввало ўз сармоясини тинч ва барқарор ҳудудга йўналтиришдан манфаатдор, чунки бирон-бир ҳудудга сармоя киритиб, шу орқали фойда олишни мақсад қилади. Президентимизнинг ушбу фармони эса сармоядорларнинг ана шундай манфаатларига тўла мос келгани учун ҳам кўплаб чет эллик тадбиркорлар эътиборини торта бошлади.

Қарор ва ижро

## ИМТИЁЗДАН — ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРГА

**2011 йилда Фарғона вилоятидаги 110 та корхона томонидан 273 млн. 512 минг АҚШ доллари ва 8 млн. 633 минг Россия рубли қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда валюта бозори сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир аниқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу эса иқтисодий ислоҳотлар жараёнида тижорат банклари ролининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Энг асосийси, миллий валютани конвертация қилиш орқали ўз фаолиятини кенгайтириб бораётган хўжалик субъектлари сони кўпаймоқда.**

**Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган тартиб асосида 10 та корхонага экспортга чиқарилган маҳсулотларига тегишли валюта харажатлари (транспорт, суғурта) ҳамда республика ичида эркин муомаладаги валютага сотиб олинган хом ашё қиймати миқдоридаги имтиёзлар қўлланилди. Шу билан бирга ўз маҳсулотларини экспорт қилган 75 та микрофирма ва кичик корхоналар 115 млн. АҚШ доллари ва 8 млн. Россия рубли ҳажмидаги имтиёздан фойдаландилар.**

**Ўтган йили имтиёздан фойдаланаётган корхоналар бўйича ўтказилган текширишлар натижасида 8 та ҳолатда 8 млн. 842 минг АҚШ доллари миқдорида қўшимча равишда 50 фоизли мажбурий сотув ҳисобланган. Мисол учун, Данғара туманидаги «Магнат» МЧЖда 645 минг АҚШ доллари, Фарғона шаҳридаги «Фарғона текстиль» МЧЖда 507,2 минг АҚШ доллари ҳажмида амалга оширилган 50 фоизли мажбурий сотув шулар жумласидандир. Бу эса «Экспорт – миллат шаъни» деган таъриф шунчаки баландпарвоз ибора эмаслигини кўрсатмоқда. Унинг замирида жуда катта маъно-моҳият мужассам. Албатта, ҳар қандай мамлакат четдан маҳсулотлар сотиб олади. Аммо импортдан кўра, экспорт салмоғининг ортиб бораётгани ўша мамлакатнинг нуфузи шунга муносиб равишда кўтарилаётганининг амалий ифодасидир.**

*Баҳром ОБИДЖОНОВ,*
*Фарғона вилояти ДСБ Ахборот хизмати бошлиғи.*

Танлов

## ТАДБИРКОР ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган “Менинг бизнес-режам” танлови ўзининг юксак самарасини бермоқда.**

**“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилаётган мазкур танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 76 нафар ишбилармон ва ташаббускор ёшлар ўз бизнес-режалари билан иштирок этди. Иштирокчиларнинг аксарияти ўз лойиҳаларида уй шароитида тадбиркорликни йўлга қўйиш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва шу орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратганликлари диққатга сазовор.**

**— Танловни ўтказишдан мақсад ёш тадбиркорларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта бизнес-режаларини молиялаштириш ҳамда битирувчиларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашдан иборат, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошидаги “Ёш тадбиркор” маслаҳат маркази раҳбари Бибижон Аралбоева. – Бундан ҳам ёшлар, ҳам уларнинг ота-оналари мамнун бўлмоқда.**

**Беш нафар йигит-қиз танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Бизнес-режалари истиқболли, деб топилган 30 нафар иштирокчига ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди.**

*А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.*

«XXI ASR»
2012 йил 19 апрель,
пайшанба,
16 (440)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
веб сайт: www.21asr.uz

**АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА «ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги янги қонун лойиҳалари ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири тўғрисида ҳам атрофлича тушунтиришлар берилди.**

# «Мулкдор оила» лойиҳаси

## ФАРОВОН ЖАМИЯТ БУНЁДКОРЛАРИНИ КАШФ ЭТА БОШЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄



Форумнинг Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Марказий Банк, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Асакабанк», «Ипотекабанк», «Агробанк», «Микрокредитбанк» ОАТБ, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилгани унинг янада серқирра ва мазмунли ўтишини таъминлади.

Фарғонада форум иштирокчилари учун дастлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Сирдарё вилоятида ўтган тадбир эса ўрта синф вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар, тижорат банклари томонидан олиб борилаётган микромолиявий амалиётлар бўйича методик-услубий қўлланмалар кўргазмаси намойиши билан бошланди. Анжуман қатнашчиларига «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги янги қонун лойиҳалари ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири тўғрисида ҳам атрофлича тушунтиришлар берилди.

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган форумда асосий эътибор "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига қаратилди.

Форум иштирокчилари лойиҳаларнинг аҳамияти ҳақида батафсил фикр билдирдилар. Таъкидландики, O`zLiDeP мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Биргина ўтган йили партиянинг Марказий банк ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликдаги тадбирларида 4 мингдан зиёд битирувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ёш фермерлар иштирок этишган. Ўндан зиёд тадбиркорга ўз бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 300 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**ЛОЙИҲАНИНГ ҲАЁТГА ТЎЛА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ УЧУН 1300 ДАН ОРТИҚ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК (ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ) СУБЪЕКТЛАРИГА ҚЎШИМЧА РАВИШДА ПАРРАНДАЧИЛИК, АСАЛАРИЧИЛИК, БАЛИҚЧИЛИК, ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 3 МЛРД. 500 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛАДИ.**

### ЕТАКЧИЛИК O`ZLIDEP АЪЗОЛАРИДА

Хусусан, "Мустаҳкам оила йили"нинг дастлабки чорагида вилоятда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга 58 млрд. 38 миллион сўм кредит ажратилиб, шу ҳисобдан 6163 та янги иш ўрни яратилди. Янгидан иш бошлаган тадбиркорларнинг асосий қисми O`zLiDeP аъзолари эканлиги, айниқса, қувонарлидир.

— Молиявий кўмак — тадбиркорга қанот, деб бежиз айтмайдилар, — дейди қаршилик ёш тадбиркор Маҳлиё Абдураҳмонова. — Ўтган давр мобайнида турли банклардан кредит олиб, ўз вақтида қайтаришга эришдим. Ҳозирда 15 нафар дугонамни иш билан таъминладим.

Форум давомида "Мустаҳкам оила йили"да O`zLiDeP ва унинг ҳамкорлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган "Мулкдор оила", "Тадбиркорлар мулоқот форуми", "Диплом билан — бизнесга", "Парламентда менинг ўрним", "Агар депутат бўлсам", "Хавфсиз интернет" каби лойиҳаларнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

— Мен партиявий тадбирларда қатнашиб, катта билим ва тажрибага эга бўлдим, — дейди Қарши шаҳридаги "Primary capital" хусусий корхонаси раҳбари Тангриберди Холиёров. — Ўз фаолиятимни "Микрокредитбанк"дан 2,5 млн. сўмлик кредит олишдан бошлагандим. Ўтган йили эса 22 млн. сўм молиявий кўмак олдим. Айни пайтда аҳолига брокерлик, пайнет ва савдо хизмати кўрсатаяпмиз.

— Биз ТИФ «Миллий банк» мижозимиз, — дейди Қамаши туманидаги "MICRON-M" масъулияти чекланган жамият раиси Алимжон Чўлиев. — Банк кредити эвазига 60 турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хориж технологиясини сотиб олиб, ишга туширдик. 2009 йили — 780, 2010 йили — 800, 2011 йили эса 500 млн. сўмлик макарон маҳсулотлари ишлаб чиқардик. Эндиликда 1,5 млрд. сўм миқдоридаги кредит эвазига 1 гектар ерда иссиқхона қураяпмиз. 100 гектар майдонда янги боғ яратганмиз. Бу ерда 50 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган. Бир кеча-кундузда 80 тонна помидорни қайта ишлаб, томат пастаси тайёрлайдиган цехимиз ҳам бор.

### АСОСИЙ ИМТИЁЗ ЁШЛАРГА

Форумда тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маҳаллаларда кичик бизнесни янада ривожлантиришга кўмак бериш зарурлиги таъкидланиб, қишлоқ ва маҳаллаларда хотин-қизларни, айниқса, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандликни таъминлаш борасида партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинди.

— Анжумандан кўзда тутилган мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада оммалаштириш, ишбилармонларнинг кенг фаолият юритишлари учун қулай муҳит яратишга ҳисса қўшишдир, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари Бегмат Очилов. — Тажрибадан маълумки, молиявий кўмаксиз йигит-қизлар ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўя олишмайди. Шу ўринда молия муассасалари уларнинг яқин ҳамкори ва таянчига айланиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Тадбирда O`zLiDeP вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан илгари сурилаётган Ҳаракат дастурида мингдан ортиқ ёшларни иш билан таъминлаш кўзда тутилганлиги алоҳида эътироф этилди. Партия электорати вакилларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича билимларини ошириш ва уларга амалий кўмак бериш масалалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— 2012 йилда O'zLiDeP томонидан илгари сурилган йирик лойиҳалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг турли йўналишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга кўмаклашиш, чекка ҳудудларда оилавий бизнесни ташкил этмоқчи бўлган хонадонларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси А.Алимов. — Улар орасида «Мулкдор оила» лойиҳаси қатор жиҳатлари билан ажралиб туради.

### ЛОЙИҲА УЗЛУКСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Лойиҳа бир неча босқичлардан иборат бўлиб, февраль-март ойларида унинг тақдимоти билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилди. Апрель-май ойларида ҳудудлар миқёсида ўқувлар ташкил этилади. Уларга соҳа мутахассислари, олимлар ҳамда амалий бизнес тажрибасига эга тадбиркор ва фермерлар жалб этилади. Янги ўқув технологиялари, интерфаол услублар, кейс-стади, сўровномалар, маърузалар, баҳс-мунозаралар шаклида машғулотлар олиб борилади.

Иккинчи босқич июнь-август ойларига мўлжалланган бўлиб, туман (шаҳар)лар, сўнгра вилоятлар миқёсида «Энг яхши тадбиркор оила» кўрик-танлови ўтказилади. Ноябрь ойида лойиҳанинг республика босқичи ўтказилиб, танловнинг мутлақ ғолиблари аниқланади.

Лойиҳанинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши учун 1300 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик (деҳқон хўжаликлари) субъектларига қўшимча равишда паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, иссиқхона хўжаликлари ҳамда боғдорчиликни ривожлантириш учун 3 млрд. 500 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади ва 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Юқорида таъкидланган кўрик-танлов ғолиблари ҳамкор ташкилотлар билан келишилган ҳолда рағбатлантирилади ҳамда хорижий давлатларда малака оширишлари учун шароитлар яратилади. Лойиҳа якунлари бўйича «Оилавий тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларининг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари» номли амалий қўлланма чоп этилиб тарқатилади.

Энг муҳими, мазкур лойиҳа бир йилга мўлжалланганi билан аслида якунланмайдиган лойиҳадир. Чунки яхши йўлга қўйилган оилавий бизнес анъанавий равишда давом эттирилиб, хонадонларимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланиб қолади. Бунга жаҳон амалиётидан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

**2012 — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

*Сиёсий таълим тизими*

# Буюк халқ иродасининг маънавий асоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Сайёра БЎРОНОВА,**
«XXI ASR»




O`zLiDePнинг жойларда ўтказилаётган тадбирларида ҳам мазкур асардан ўрин олган далил ва шарҳларнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг янги тарихимизни яратишдаги ўрни ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилмоқда. Айни кунда партиянинг Жиззах вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази ҳам ушбу асар асосида ҳудуддаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари учун ташкилий-маърифий семинарларни ўтказмоқда. Жиззах тумани партия фаоллари иштирокида ўтказилган навбатдаги тадбирда асарнинг мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилди.

— Назарий ва амалий жиҳатдан катта тайёргарликни, бой ҳаётий билим ва тажрибани талаб қиладиган бундай мураккаб мавзунинг айнан истиқлолимиз меъмори, мустақил давлатимиз асосчиси, ўша пайтда юз берган ижтимоий жараёнларнинг асосий марказида турган, уларнинг барчасини ўз қалби ва юрагидан ўтказган инсон томонидан ноёб тарихий ҳужжатлар ва теран таҳлиллар асосида очиб берилиши мамлакатимиз жамоатчилигининг ушбу китобга бўлган қизиқиш ва эътиборини янада оширмоқда, — дейди "Гандумтош" МФЙ бошланғич партия ташкилоти раиси Дилдора Хўжаназарова. — Чунки бугунги глобаллашув ва ахборот хуружлари даврида тарихимизнинг ҳаққоний лавҳалари акс этган ушбу асарни фуқаролар, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш уларни менталитетимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда эса энг аввало, партиянинг жойлардаги таянчи бўлган депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилотлар кучига таяниш яхши самара беради.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, ушбу китоб билан танишган барча фуқаролар бир масалада ҳамфикр бўлиб, бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англаб етадилар. Зеро, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида истиқлол арафасида республикамизда ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият, халқимиз бошидан кечирган ғоят таҳликали воқеалар ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, концептуал ёндашув ва хулосалар асосида атрофлича баён этилади.

— Асар барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшашга даъват этади, — деди Сиёсий таълим маркази раҳбари Жаҳонгир Бобобеков. — Шу боисдан ўқувларимизда депутатлик гуруҳлари аъзолари ва бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг сиёсий онги ва ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратаяпмиз. Ўқув-семинарларга сиёсатшунос олим ва мутахассисларни жалб этганимиз эса олимизда турган долзарб вазифа — сиёсий таълим тизими сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, ўқув-семинарлар дастуридан асосий ўрин эгаллаган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг мазмун-моҳиятини, унда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, тарихий жараёнлар таҳлилига оид хулосаларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали партиянинг сиёсий мавқеини янада ошириш имконини беради.

# Фаол ёшлар акцияси — Наманганда

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЁШ АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ЎСИШИ, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШИ, КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШИ, ЎЗ ИСТЕЪДОД ВА САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА**

**А.САТТОРОВ,**
ЎзА мухбири

Бунинг самараси ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат соҳаларида эришаётган ютуқ ва муваффақиятларида ўз аксини топмоқда. Ана шундай фаол ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, эзгу мақсадлар йўлида янада жипслаштириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Биз – бир жамоа, биз – бир оила" ижтимоий акцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган мазкур акция Наманган вилояти ёшларининг ижтимоий фаоллиги, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, уларни ёт ғоя ва таъсирлардан асраш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўзида акс эттирган лойиҳанинг асосий тадбирларидан бири – Ёшлар ташаббуслари форуми Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтди. Турли идора ва ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарлари, иқтидорли талаба ва ўқувчи-ёшлар иштирок этган мазкур тадбирда оилалардаги маънавий муҳит, фарзандлар таълим-тарбиясида ота-оналар ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада вилоятда олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, ёшларнинг таклифлари, ташаббус ва ғоялари кўриб чиқилди.

Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Таълим ва карьера" кўргазмасида вилоятдаги олий таълим муассасалари, коллеж ва академик лицейларнинг битирувчиларига ўқишни давом эттириш ва меҳнат фаолиятини бошлаш борасида зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди. Юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан таклиф этилган бўш иш ўринларига ишга жойлашиш бўйича шартномалар имзоланди.

"Ёшлар маркази", Наманган Давлат университети, Наманган тиббиёт коллежида ўтказилган "Келажак овози" танлови, "Дилемма" мунозаралар клуби машғулоти, "Ёшлар журналистикаси тараққиёти", "Ёш веб-дастурчилар мактаби", хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув-семинар ва бошқа тадбирларда ҳам ёшлар фаол иштирок этди. Ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Акция доирасидаги ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган "Соғлом ёшлар" тадбири Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Унда ёшлар ОИВ ва ОИТС, ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини интерактив усулдаги танловлар орқали ифодалаб бердилар. Миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Дўстлик кўчаси бўйлаб ўтказилган "Ҳаёт учун" хайрия марафонида ёшлар, шунингдек, спортчи оилалар фаол иштирок этди.

Акция Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, "Келажак овози" танлови ғолиблари, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали лауреатлари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

Наманган вилоятида бўлиб ўтган "Биз – бир жамоа, биз – бир оила" акциясида ўн минг нафардан зиёд йигит-қизлар қатнашди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

«XXI ASR»
2012 йил 19 апрель,
пайшанба,
16 (440)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



**1990 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАДА ЎРТАЧА ДАРОМАДГА ЭГА** кишилар жами аҳолининг атиги **18** фоизини, **2000** йилда эса **24** фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич деярли **60** фоизга етди.

# Рўёга айланган ғоялар

## ЁКИ АЙРИМ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎЗ ҚАРАШЛАРИНИ ТЕЗ-ТЕЗ ЎЗГАРТИРАЁТГАНЛАРИНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ НИМАДА?

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Бугун давлат ва жамият барқарорлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш тадбиркорлик имкониятларидан қанчалик самарали фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнес вакиллари сафини янада кенгайтиришда, айниқса, қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти каттадир.

Қиёсий таҳлилларга эътибор қаратсак, Ғарбда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти бевосита оилавий анъаналар негизига қурилганига амин бўламиз. Мисол учун, Буюк Британияда жами кичик бизнес субъектларининг 76 фоизи, Швеция ва Швейцарияда эса 90 фоизини оилавий корхоналар ташкил этади. АҚШ ва Канадада ушбу кўрсаткич янада юқори – 95 фоиз. Чунки оилавий тадбиркорлик наинки ўша хонадоннинг моддий фаровонлиги, пировардида мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу эса ўз навбатида тобора тез ўсиб бораётган мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш ва ривожлантириш имконини берди. Жумладан, 1990 йилда республикада ўртача даромадга эга кишилар жами аҳолининг атиги 18 фоизини, 2000 йилда эса 24 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич деярли 60 фоизга етди. Аксарият ривожланган давлатларда бу рақам 55-60 фоиз атрофида эканини назарда тутсак, мамлакатимизда хусусий сектор тараққиётига жуда катта эътибор қаратилаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, бугунги глобаллашув жараёнлари иқтисодий тараққиётнинг муҳим таянчи бўлган бизнеснинг синалган усул ва шаклларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этаяпти. Ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда кичик бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорликнинг қонуний мақоми аниқ белгилаб қўйилди.

Парламент қуйи палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоиловнинг фикрича, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг асосий мақсади ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш, бундай фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтиришдан иборатдир.

– "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган (7-модда) қоидадан фарқли равишда оилавий корхонани фақат юридик шахслар ташкил этишлари мумкин, – дейди С.Исмоилов. – Оилавий корхона иштирокчилари эса нафақат умумий мол-мулки негизидаги эр-хотинлар, балки Оила кодексида белгиланганидек (57-59-моддалар), қариндошлик муносабатларида бўлган меҳнатга лаёқатли бошқа аъзолар ҳам бўлиши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда ишчиларнинг умумий сони кичик корхона ва микрофирмалар учун ўрнатилган тартибга мос ҳолда бўлади. Оилавий корхоналар фойдаланадиган турар-жойларни (кўпқаватли уйлар бундан мустасно) нотурар-жойларга ўтказиш талаб этилмайди, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин оилавий корхоналар фойда солиғидан озод қилинади. Мазкур қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири – оилавий корхоналар аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича коммунал инфратузилма объектларига уланиш ва коммунал хизматлардан (электр энергияси, газ, сув таъминоти) фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигида ҳам яққол намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан биридир. Аммо мамлакатдаги сўл сиёсий куч — ЎзХДП вакилларининг ҳалигача бандлик масаласини иш билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорликка тортиш йўли билан ҳал қилиб бўлмаслиги, ишсизларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам тадбиркор бўлишни истамаслиги ҳақидаги мулоҳазалари партиянинг дастурий ғоялари билан бугунги фаолияти ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини кўрсатиб қўймоқда.

O`zLiDePни ўзининг асосий сиёсий рақиби, дея эълон қилган партия нашрида эълон қилинган қуйидаги фикрларга эътибор беринг: «Замон ўзгараяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлар, қонунларимизнинг тобора такомиллашиб бораётгани кам таъминланган аҳоли қатламининг ҳам ўз ишини бошлашига имкон беради. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, кам таъминланган оилалар, имконияти чекланган одамларнинг аксарияти ўз кичик бизнеси ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга интилаяпти».

Ҳақиқатан ҳам бундай фикрлар партия фаолларининг ниҳоят тўғри йўлни тан олаётганларидан, реал ҳақиқатга холис муносабат билдираётганларидан далолат беради. Бу фикрлар бугунги ислоҳотлар талаби билан ҳам ҳамоҳангдир.

Энди партия дастурида эълон қилинган қуйидаги жумлаларни таҳлил этиб кўрайлик: «Либерал-демократларнинг ишсизликни бартараф этишга оид таклифлари ҳам Ўзбекистон ХДПга унча маъқул эмас. Иш билан банд бўлмаган аҳолини фақат тадбиркорликка тортиш йўли билан бу масалани ҳал қилиш мумкинми? Ишсизларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам тадбиркор бўлишни истармикан? ЎзХДП йўқ, ҳаммаси истамайди, деб ҳисоблайди». Бундай кескин ва аввалги мулоҳазаларга зид бўлган қарашларни қандай баҳолаш мумкин?

> **ЎЗХДП ВАКИЛЛАРИ МАНА ШУ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТНИ ЭРТАРОҚ АНГЛАБ ЕТГАНЛАРИДА ЭДИ, ЭНГ АВВАЛО, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ ҲАМДА БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛМАГАН АҲОЛИ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ТАЪМИНЛАНГАН БЎЛАРДИ.**

Хўш, бундай ўзгаришлардан асл мақсад нима? Бу ўз электорати олдида «жанговор»лигини кўрсатишга қаратилган ҳаракатми? Агар мақсад фақат шундан иборат бўлса, бу ҳаракат иқтисодиётимизнинг таянч нуқтасига айланиб улгурган тадбиркорликка қўл ураётган юртдошларимизни чалғитишга хизмат қилмаслиги керак. ХДП етакчиларининг бундай ғайритабиий чиқишлари бир кун келиб партия учун ҳам қимматга тушиши мумкин.

Қарийб ўн йилдан буён ҳаммани тадбиркор қилиб бўлмайди, қишлоқ жойларида яшаётган аҳоли тадбиркорликка тайёр эмас, деб келган ХДП етакчилари бугун ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларнинг аксарияти ўз кичик бизнеси ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга интилаётганини эътироф эта бошлаганининг ўзиёқ мазкур партиянинг тадбиркорликни ривожлантириш орқалигина тараққиётга эришиш мумкинлиги ҳақидаги O`zLiDeP ғояларини тан ола бошлаганини яққол кўрсатади, албатта.

ХДП томонидан жойларда ўтказилаётган кўплаб тадбирлар ҳам халқ демократлари ўз дастуридаги қатъий позициясидан осонгина воз кечиб, тобора либераллашиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтказилган иқтисодий форумда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам турмушини яхшилашда тадбиркорлик ривожи муҳим аҳамиятга эга экани, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратишда кичик бизнеснинг тутган ўрни ҳақидаги жозибали фикрлар бот-бот такрорланди. Бу фикр айрим партия етакчиларининг фуқаролар доимий иш ўрни ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлаётганида ҳам кўриш мумкин», деган қарашларида ҳам кўзга ташланаяпти.

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида ХДП вилоят кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати эса бевосита «Оилавий тадбиркорлик – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали воситаси» мавзуига бағишланди. Унда сўзга чиққанлар аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантириш энг муҳим омил эканини яна бир бор эътироф этдилар.

Аслида, шу пайтгача либерал-демократларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишсизликни бартараф этишга оид таклифларини инкор этиб келган партия мазкур ғоянинг нақадар тўғри эканини тушуниб етгани ижобий ҳолат, албатта. Зеро, бу ғояларнинг жамиятда устувор аҳамият касб этиши эртанги муваффақиятларимизни таъминлашга хизмат қилади. ЎзХДП вакиллари мана шу оддий ҳақиқатни эртароқ англаб етганларида эди, энг аввало, кам таъминланган, доимий иш ўрни ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлмаган аҳоли қатлами манфаатлари янада кенгроқ таъминланган бўларди.

**Семинар**

## МУҲИМ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида 2011 йил ва 2012 йил I чораги якунлари ҳамда O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Анвар Нусуров, депутатлардан Исмигул Хушмуродова, Валерий Самиев ва бошқалар сўзга чиқишди. O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси М.Султоновнинг таъкидлашича, "Мустаҳкам оила йили"да Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаши, Нишон туманларида хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокида кичик саноат корхоналари барпо этиш, маиший ва сервис хизматини йўлга қўйиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш юзасидан партия Ҳаракат дастури қабул қилинган бўлиб, унга асосан тилга олинган ҳудудларда 401 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш кўзда тутилган. Натижада 1251 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада йирик саноат корхоналарининг айланма маблағлари, хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларнинг шахсий сармоялари жалб этилаяпти.**

**Сўзга чиққанлар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва бошқа масалалар хусусида тўхталиб, ҳозирги ислоҳотлар жараёнида партия фаоллари олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларга эътиборни қаратишди.**

*Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.*

«Ёшлар қаноти»



# Дастур ижроси қатъий назорат қилинмоқда

## ФАРҒОНАДА O'ZLIDEP ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ» ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

— Фарғонада 10871 нафар партия аъзоси бўлиб, уларнинг 2125 нафари, яъни 20 фоизга яқини 18-24 ёшдаги навқирон авлод вакилларидир, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ғайрат Абдуллаев. — Уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш баробарида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Ҳаракат дастури бўйича олиб борилаётган ишларга келсак, асосий эътибор вилоятдаги иқтисодиёт ва маиший хизмат йўналишларидаги 33 та касб-ҳунар коллежи талабаларига қаратилмоқда. 2012 йилда ушбу ўқув масканларини 12862 нафар битирувчи тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Айни пайтда уларни иш билан таъминлаш мақсадида талабаларни ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш, иш берувчилар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда партия фаолларига бириктирилган коллежлар билангина чекланиб қолмаётганимизни айтмоқчиман. Чунки бу йил вилоятдаги 144 та коллеж, 11 та академик лицейни 58155 нафар талаба битиради. Ҳозирга қадар 53799 нафар (92,5 фоиз) битирувчи билан 3 томонлама шартномалар имзоланди.

Бундан ташқари, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида фаол иштирок этиш мақсадида ишлаб чиқилган партиявий лойиҳалар орқали ҳам қатор ёшлар ўз бизнесларини йўлга қўйишга муваффақ бўлмоқдалар.

Масалан, Фарғона туманидаги Маиший хизмат ва саноат коллежларида «Менинг бизнес лойиҳам» мавзуидаги тадбирда 2 нафар талабага «Агробанк» бўлими томонидан 1,5 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Фарғона туманидаги «Водий имкон транс» хусусий корхонаси, «Амириддин ери», «Миндон Мирзаҳамдам», «Нон Наврўз» фермер хўжаликлари, «Чимён форум», «Одилхожи» МЧЖлари билан эса ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 20 та шартнома имзоланди. Айни пайтда Тошлоқ хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежининг ўн нафар битирувчисини "Баркамол авлод" маркази Тошлоқ туман бўлимига ишга қабул қилиш учун реал шароит яратиб берилди.

Учкўприк иқтисодиёт коллежи битирувчиларининг 10 нафарига эса "Микрокредитбанк" туман бўлими билан ҳамкорликда 31 млн. 460 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш учун бизнес лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам кўрсатилди.

Марғилон шаҳри ҳамда Олтиариқ, Учкўприк, Данғара, Фарғона, Тошлоқ, Қува, Қўштепа, Ёзёвон, Данғара ва Риштон туманларидаги касб-ҳунар коллежларида эса 1169 ўқувчи иштирокида битирувчиларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиш, шунингдек, давомат ва интизом борасидаги вазиятни яхшилашга қаратилган давра суҳбатлари ва мониторинг тадбирлари ташкил этилди.

Нуқтаи назар

# Умуминсоний қадриятлар тинчлик ва осойишталик асосидир

## МАЪЛУМКИ, XX АСРДА РЎЙ БЕРГАН ЖАҲОН УРУШЛАРИ ВА УНИНГ ДАҲШАТЛИ ОҚИБАТЛАРИНИ БОШИДАН КЕЧИРГАН ХАЛҚЛАР БУГУНГИ КУНДА ТИНЧЛИКНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ УЧУН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАЛАР

**Ғофиржон Абдураҳмонов,**
Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Шунинг учун ҳам бағрикенглик, муросасозлик, тоқатлилик, ўзаро ҳурмат, тенглик ва адолат тамойилларига қатъий амал қилиш дунё давлатлари ва халқаро ташкилотлар фаолиятидаги асосий масалалар ҳисобланмоқда.

«Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда. Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови — бу тинчлик ва осойишталикдир». Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари ўтган йиллар тажрибаси тараққиёт йўлимиз ҳамда истиқболимизни тинчликпарвар ғояларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида дунё халқларининг интилиш ва орзу-умидларини мужассамлаштирган эзгу мақсадлар сари сафарбар этадиган миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини изчил таъминлаб боришни тақозо этади. Бинобарин, ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятлари, унинг фуқароларимиз ҳаёти ва жамият тараққиётига таъсирини ўрганишни долзарб илмий-назарий ва амалий масалалардан бирига айлантирмоқда.

Ўз халқининг тақдири ва келажагини, эркин ва фаровон ҳаётини ўйлаган инсон, аввало, унинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши ҳақида бош қотиради. Умуман, жамият тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлида ўзининг бутун куч-қудрати ва салоҳиятини сафарбар этиш – буюк йўлбошчиларга хос фазилатлардандир.

Шу ўринда Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалаларига бирламчи эътибор қаратганларини таъкидлаш лозим. Бу эса мустақиллик ғоясининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Маълумки, аксарият ривожланган давлатлар мафкураси замирида умуминсоний қадриятлар ва демократик томойиллар бош мезон сифатида белгилаб олинган. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар устувордир.

Лекин, афсуски, XXI асрга келиб ҳам ер юзининг турли нуқталарида ижтимоий низоларни келтириб чиқарувчи нотинчликлар содир бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида амалдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг моҳияти, уларнинг илмий-назарий асосларини қиёсий ўрганишни тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам дунёнинг таниқли олимлари, хусусан, социолог ва конфликтологлар асарлари ҳамда илмий изланишларида бу масала алоҳида тадқиқ этилмоқда. Улар "тинчлик маданияти", "умуминсоний қадриятлар" тушунчаларини жамиятнинг ижтимоий-сиёсий феномени сифатида талқин этмоқдалар. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бу тушунчалар фуқароларнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги хатти-ҳаракати, амалий фаолиятини белгилайдиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар мезони, тамойиллари мажмуини ифодалайди. Бироқ ҳозирча собиқ иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган айрим давлатларда бу мавзу алоҳида илмий тадқиқот мавзуи сифатида жиддий ўрганилмаяпти.

Гарчи миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласи барча мамлакатларда кенг кўламда тадқиқ этилаётган, бу борада монографиялар, рисолалар, тўпламлар чоп этилаётган бўлса-да, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласи кенг доирада таҳлил қилинмаётганининг боиси ҳам шунда. Шу сабабли, илмий-назарий ва услубий адабиётларда тинчлик, барқарорлик тушунчалари алоҳида тадқиқот мавзуи сифатида долзарблигича қолмоқда. Шу маънода Президентимиз асарлари, айниқса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида нашрдан чиққан "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби ана шу бўшлиқни тўлдиришда жуда катта аҳамият касб эта бошлагинини таъкидлаш лозим.

**Чилонзор туманидаги «Султон Темурбек Ягона» хусусий корхонаси қошидаги БПТ етакчиси саъй-ҳаракати билан ташкил этилган «Ягона» ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатиш мажмуи ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда чилонзорлик 35 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.**

**Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги «Абдухолиқ ота» фермер хўжалиги қошидаги БПТда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китоби ҳамда «Бизнинг йўлимиз — демократикислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» номли маърузаси бўйича давра суҳбати ўтказилди.**

**Ўзбекистон Миллий банкининг Нуробод туман бўлими қошидаги БПТда O'zLiDeP фаоллари зиммасидаги вазифалар муҳокама этилиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Йиғилишда, шунингдек, O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида БПТлар олдига қўйилган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.**

# Бошланғич партия ташкилотларида



## Хоҳиш бўлса — имкон топилади

O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ IV МАЖЛИСИДА МУҲОКАМА ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР ВА КЎРСАТИБ ЎТИЛГАН МУАММОЛАР АЙНИ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ТОМОНИДАН КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»



Айниқса, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, иш самарадорлигини ошириш ва БПТлар атрофида жипслашган партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларига бирламчи эътибор қаратиш жойларда ўтаётган аксарият партиявий тадбирлар кун тартибидан жой олмоқда.

O'zLiDeP Яккасарой туман кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотларда ўтаётган йиғилишларда ҳам айни масалалар кенг муҳокама қилиниб, ишни янгича ташкил этиш, партия фаолиятининг янада жанговор тус олишини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Тумандаги «TEXKAFOLAT-LUX» корхонаси қошида фаолият кўрсатаётган ва ўз атрофига 20 дан зиёд маслакдошларни уюштирган БПТда ҳам партиявий фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар жамланиб, уларнинг нечоғли самарали экани жиддий муҳокама қилинмоқда.

— Йиғилишларимизни тадбирбозлик учун, кимгадир ёки қаергадир ахборот бериш учун ўтказмаяпмиз, — дейди БПТ раиси, O'zLiDeP Яккасарой туман кенгаши раисининг ўринбосари Ахмат Некбаев. — Шу боис ҳар бир йиғилишга пухта тайёргарлик кўриб, кун тартибига фақат энг муҳим масалаларни киритаяпмиз. Тадбир давомида интерфаол усуллардан, хусусан, «ақлий ҳужум»дан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, йил бошидан буён 5 та йиғилиш ўтказган бўлсак, уларда муаммони ўртага ташлаб, ечими бўйича ҳамманинг фикр беришини йўлга қўйдик. Сўнг ушбу мулоҳазалар жамланиб, уларни гуруҳлаштирган ҳолда қандай самара беришини таҳлил қилдик. Энг асосийси, ҳар қандай муаммога тизимли ёндаша бошладик.

Партия аъзоларининг аксарияти муҳандислик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассис эканлиги улар бераётган таклифларда ҳам ўз аксини топмоқда. Айтайлик, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги мулоҳазаларда асосан янги инновацион технологияларга кенг йўл очиш, шу соҳада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тузилмаларини кенгроқ қўллаб-қувватлаш таклифлари устунлик қилади.

— Партиявий фаолиятда аъзоларга фақатгина тадбир қатнашчиси эмас, керак бўлса, ўз қараш ва таклифлари билан партия келажагига, ҳаттоки, мамлакат миқёсидаги ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқарув жараёнларига таъсир қила оладиган жамиятнинг онгли аъзоси, бўлажак етакчи сифатида қараш яхши самара бераётир, — дейди БПТ фаоли, Яккасарой туман кенгаши аъзоси Абдураҳмон Нажмиддинов. – Ўз интилишлари, манфаатлари ҳамда қарашларининг рўёбини амалда кўриш маслакдошларимизни кучли фуқаролик жамияти барпо этишда янада фаол қатнашишга чорлайди, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, партия аъзоларининг катта бир сиёсий кучнинг муҳим бир қисми эканини англаб етишларининг ўзиёқ муайян амалий натижалардандир. «TEXKAFOLAT-LUX» корхонаси қошидаги БПТ тажрибаси бунга мисол бўла олади. Ташкилот етакчисининг ташаббускорлиги натижасида яқинда партия аъзолари яна 30 нафарга кўпайди. «Ипотекабанк»нинг туман филиали қошида янги БПТ ташкил этилди.

— Энг муҳими, тарғибот-ташвиқот ишларини сусайтирмаслигимиз керак, — дейди Ахмат Некбаев. – Бу нафақат партия имижини ошириш ва унинг мақсад-ғояларини кенг ёйиш, балки O'zLiDeP кўзлаган мақсад-вазифаларга эришиш — бутун жамият фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлашга сезиларли улуш бўлиб қўшилишини фуқароларимизга етказа олишга ҳам хизмат қилади. Биз ҳам партиявий фаолиятимизда шундай йўл тутаяпмиз. Ҳаттоки ўз профессионал соҳамиз имкониятларидан ҳам партиявий тарғибот йўлида фойдаланишга интилаяпмиз. Қурилиш-монтаж, лойиҳалаш ва таъмирлаш каби кундалик ишларимизда биз билан ҳамкорлик қиладиган ташкилотлар, ҳаттоки мижозларимиз ҳам партиямизни, унинг логотипини яхши танишади. Улар орасида партиямиз сафига ўтиш истагини билдираётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этаяпти.

Ҳа, хоҳиш бўлса — имкон топилади. «TEXKAFOLAT-LUX» корхонаси қошидаги БПТ фаолиятини ўрганиш асносида шундай фикрга келдик. Агар ҳар бир бошланғич ташкилот ҳисобот учунгина тадбир ўтказмай, фидойилик ва ташаббускорликни ўзига шиор қилиб олса, кўзланган манзил яқинлашаверади.

## «Аёллар қаноти»

**БУХОРО**

O'zLiDeP Когон туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришда O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия дастурий йўналишларидан келиб чиқиб, белгиланган устувор вазифаларни хотин-қизлар ўртасида кенг тарғиб этиш, аёллар ҳаётига оид муаммолар ечимида депутатларнинг ролини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби масалалар кўриб чиқилди.

**ФАРҒОНА**

Фурқат туманида ўтказилган «Соғлом оила — мустаҳкам оила», деб номланган тарғибот тадбири эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларига бағишланди. Йиғилиш якунида чекка қишлоқлардаги аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ҳаётида кўпроқ учраб турган бошқа муаммолар мониторингини ташкил қилиш, улар ечимини топишда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига амалий ва услубий кўмаклашишга келишиб олинди.

**НАВОИЙ ВА ЖИЗЗАХ**

«Аёллар қаноти»нинг жойларда тадбиркорликка лаёқатли хотин-қизларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган «Тадбиркорлик тамойиллари — ишбилармонлик имкониятлари» номли минтақавий лойиҳаси доирасидаги ўқув семинарлари дастлаб Жиззах ва Навоий вилоятларида ўз ишини бошлади. Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани ва Навоий шаҳрида бўлиб ўтган семинарларда тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандчилик ва касаначиликнинг оилалар иқтисодиётини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш билан боғлиқ жиҳатлари муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари янги иш ўринларини яратиш имконини берувчи намунавий лойиҳалар билан таништирилди.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА тайёрлади.**

## Маслакдошлар сафи кенгаймоқда

— ТАРҒИБОТ ВОСИТАЛАРИ ПАРТИЯ ИМИДЖИНИ ОШИРИШ, УНИНГ ҒОЯЛАРИНИ ОММАГА ЕТКАЗИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА, — ДЕЙДИ НАВОИЙ ИЭС ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚОШИДАГИ БПТ РАИСИ МУСАЛЛАМ ИСМОИЛОВА

**Мансур АСЛОНОВ,** «XXI ASR»

Дунёда молиявий инқироз давом этаётган бир шароитда навоийлик нурчилар ўтган йили бизнес-режада белгиланганидан 360,6 миллион киловатт-соат кўп ёки 7 миллиард 660,6 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, 2010 йилга нисбатан ўсиш суръатини 4,9 фоизга етказдилар. Йил давомида истеъмолчиларга 2 миллион 430,9 гегакалория иссиқлик энергияси етказиб берилди. Бу кўзда тутилганидан 109,5 фоизга кўп, демакдир.

— Жамоамиз кўп миллатли бўлиб, барчаси қон-қардош, яқин биродар сифатида ўз зиммаларидаги вазифаларни масъулият билан уддаламоқдалар. Ана шу бирлик, аҳиллик муҳитини таъминлашда бошланғич ташкилотимизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор, — дейди БПТ етакчиси Мусаллам Исмоилова, — 19 нафар сафдошларимизнинг ҳар бирини мавжуд цехлар, ишлаб чиқариш участкаларига масъул этиб белгилаганмиз. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, бандлик ва ижтимоий ҳимоя, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, муҳим сиёсий жараёнлар ва бошқа мавзуларда суҳбатлар уюштириб, кўпчилик эътиборини қозонишмоқда. Шу боис корхонамиз жамоаси ўртасида O'zLiDePнинг мавқеи тобора ошиб бораётир.

O'zLiDeP Кармана туман кенгаши аппарати раҳбари З.Рўзиевнинг таъкидлашича, кейинги пайтда мазкур бошланғич ташкилот иши кескин жонланган. Хусусан, партия сафларини мустаҳкамлаш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Корхона фаолияти билан танишар экансиз, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш билан боғлиқ 5 та инвестицион лойиҳа амалга татбиқ этилаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Мавжуд 5 гектарлик интенсив боғ жамоа аъзоларининг дастурхонига қут-барака киритаётган бўлса, янгидан қуриб битказилган чорвачилик мажмуида 43 бош қорамол парваришланаётир. Айни пайтда Украинадан яна 202 бош сермаҳсул, зотли қорамол сотиб олиш кўзда тутилмоқда. 2 гектарли сунъий ҳовузда эса балиқ парвариш қилинаяпти.

Таъкидлаш жоизки, қисқа давр мобайнида корхонада 18 та янги иш ўрни яратилган, 25 нафар касаначи меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинган. Энг асосийси, партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан катта ҳаётга қадам қўяётган ёш авлод ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг муносиб касб-кор эгаллашлари ва келажакда ўз йўлларини топиб олишлари учун ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўтган ўқув йилида Навоий ҳамда Кармана саноат касб-ҳунар коллежлари талабаларидан 140 нафари ОАЖда ўқув амалиётини ўташди. Ўқув йили якунида уларнинг малака ва иқтидорига қараб 33 нафари энергетиклар сафига қабул қилинди. Ёш, навқирон ишчиларнинг 10 нафари O'zLiDeP сафига қабул қилишни сўраб ариза беришгани эътиборга моликдир.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, энг аввало, инсон, унинг ҳаётий манфаатлари ётади, — дейди Мусаллам опа. — Бу бизнинг кучимизга-куч қўшиб, янги марраларга руҳлантирмоқда. Меҳр-оқибат, миллат саломатлиги, маънавий қадриятларимизни улуғлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Ҳа, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар биздан тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Кези келганда, очиғини айтишим керак: вилоятдаги қуйи бўғин ташкилотларини қийнаб келаётган оғриқли бир масала бор. У ҳам бўлса, кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситаларининг камлигидир. Бу эса кўзланган мақсадларга эришишда қийинчилик туғдирмоқда. Ҳар бир бошланғич ташкилот партиямиз рамзлари туширилган байроқ, унинг ғоя ва мақсадларини акс эттирувчи плакат ҳамда шиорлар билан имкон қадар кўпроқ таъминланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, бугунги ҳаракат — эртанги баракат, демакдир.

## Қуйи бўғинларга юқори эътибор

БУХОРОДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»

Дастлабки семинар-тренингда фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, O`zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходимлари ва БПТ раислари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари бошланғич ташкилотларни шакллантириш тамойиллари ва уларнинг оптимал-ташкилий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, БПТлар аҳолининг барча қатламлари орасида бевосита иш олиб бориш имкониятига эга эканлиги таъкидланиб, улар фаолиятини тубдан яхшилаш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси катта мутахассиси Жасурбек Болтаевнинг «Бошланғич ташкилотлар ишини самарали ташкил этишнинг айрим концептуал-услубий масалалари тўғрисида»ги маърузаси ҳам иштирокчилар учун ниҳоятда фойдали бўлди.

Таъкидланганидек, сиёсий партияларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий-мавқеини оширишда аҳоли турли қатламлари орасида доимий иш олиб борувчи БПТларнинг аҳамияти каттадир.

Семинар-тренингда партияларнинг муҳим дастурий вазифалари, жумладан, тарғибот-ташвиқот, коммуникатив, қўллаб-қувватловчилик, ташкилотчилик ва сафарбарлик функциялари хусусида атрофлича сўз юритилди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши аппарати ташкилий-партиявий ишлар бўлими етакчи маслаҳатчиси Лобар Баракаеванинг «БПТларни шакллантириш тамойиллари ва уларнинг оптимал-ташкилий структурасини тузиш масалалари» мавзуидаги маърузаси юзасидан ҳам қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб, тадбир иштирокчилари ушбу соҳадаги ўз иш тажрибалари ва амалий кўникмалари билан ўртоқлашдилар.

Музокараларда сўзга чиққан O`zLiDeP Когон шаҳри, Вобкент, Пешку, Қоракўл туман кенгашлари вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, шунингдек, турли ташкилот ва муассасалар қошида фаолият юритаётган БПТлар раислари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-тренинг доирасида ўтказилган интерфаол усулдаги машғулотлар ҳам қуйи бўғинлар ишини жонлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.



ЖОРИЙ ЙИЛДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК бизнес соҳасига **4,5** трлн. сўм кредит сармояси ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ана шу маблағнинг **843** млрд. сўми микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Реклама ўрнида

# Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи

«АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ 2012 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН 2,8 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТДИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»



Хусусан, филиалнинг 6 та мини-банки, 2 та махсус касса, 58 та жамғарма ва коммунал тўлов кассалари аҳолининг яқин кўмакчисига айланган, десак асло хато қилмаймиз. Вилоятда банк сармоялари эвазига мулкдор бўлаётганлар сонини ортиб бораётганининг боиси ҳам шунда. Банк мутасаддиларининг фикрича, ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳудудларда 210 та янги иш ўрни яратилган. Иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ҳам ортиб, апрель ҳолатига 29,8 млрд. сўмни ташкил этди. «Мустаҳкам оиланинг молиявий таянчи» шиори остида меҳнат қилаётган банк жамоаси 2012 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 13,9 млрд. сўм миқдорида кредит қўйилмалари ажратишни режалаштирган.

Аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш айни кундаги муҳим масалалардан биридир. Банк жамоаси шундан келиб чиқиб, паррандачиликни ривожлантириш, тухум ва парҳез гўшт етиштиришни кўпайтиришга ҳисса қўшаётганларга ҳам реал ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, янги ускуналар харид қилиш учун 246,0 млн. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун 326,0 млн. сўм миқдорида кредит қўйилмалари йўналтирилди.

Бугун вилоятда тадбиркорлик сир-асрорларини пухта эгаллаган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил қилади. «Асака»-банк филиали томонидан жорий йилнинг айни давригача аёл тадбиркорларга 97,0 млн. сўм миқдорида кредит сармоялари ажратилди.

Юрт равнақи, миллат истиқболи йўлидаги самарали меҳнат эътибордан четда қолмаслиги шубҳасиз. Англаганингиздек, банкнинг тадбиркорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ўзининг муносиб баҳосини олди. Жумладан, апрель ойида ўтказилган «BankExpo-2012» банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари V йиллик миллий кўргазмасида "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банки «Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи» номинацияси ғолиби деб топилдики, бу шубҳасиз, меҳнат ва изланишлар учун берилган муносиб баҳодир.

Маълумки, замонавий ҳисоб-китобнинг қулай ва ишончли воситаси бўлган пластик карточкалар кундалик ҳаётимизда тобора оммалашиб бормоқда. Бугун «Асака»банкининг вилоят филиали пластик карточкаларидан 35700 киши баҳраманд. Жойларда ўрнатилган 388 та терминаллар эса мижозларга янада катта қулайлик туғдирмоқда. Бундан ташқари муассасада банкомат, инфокиоск ҳамда терминаллар ишлаб турибди.

Инфокиоск орқали мижоз ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга ўтказиб, коммунал, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз амалга ошириш имкониятига эгадир.

Ҳозирги кунда банк томонидан 144 дан ортиқ иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 35 мингдан зиёд кишига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали берилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, «Асака»банки Қашқадарё вилоят филиали жамоаси «Мустаҳкам оила йили»да аҳолига жаҳон стандартлари даражасида тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришни мақсад қилган.

## Сўранг, жавоб берамиз!

### ЯНГИ УЮШМА ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРНИ БИРЛАШТИРМОҚЧИ

***«Эшитишимча, Ўзбекистонда хусусий тиббиёт клиникаларини бирлаштирувчи ассоциация ташкил этилибди. Унинг асосий вазифалари нималардан иборат?***

**М.Охунов, Тошкент шаҳри».**

— 2011 йилнинг август ойида аввал вилоят, кейин эса республика миқёсида бўлиб ўтган таъсис конференцияларидан сўнг ташкил этилган ассоциациямизни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар Адлия вазирлигига тақдим этилди. Давлат рўйхатидан ўтгач, расман иш бошлаймиз, — дейди Ўзбекистон Нодавлат тиббиёт муассасалари шифокорлари ассоциацияси раиси, профессор А.Воисов. — Уюшмани ташкил этишдан мақсад хусусий клиникаларда даволанаётган мижозлар ҳамда у ерда хизмат қилаётган шифокорлар ҳуқуқини ҳимоялаш, шунингдек, мамлакатимизда кундан-кунга кўпайиб бораётган, аммо бир-бирини деярли билмайдиган ана шундай хусусий клиникалар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва назорат қилишдан иборатдир.

«Капиталбанк»: Реклама ўрнида




# Замон билан ҳамқадам

БУГУНГИ ТЕЗКОР ҲАЁТ, ҚОЛАВЕРСА, МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ҲУКМ СУРАЁТГАН СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ АҲОЛИГА ПУХТА, ЗАМОНАВИЙ ВА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

**Н.ТОШЕВ,**
«XXI ASR»

KAPITALBANK

Ушбу тамойилларга қатъий амал қилаётган молия муассасаларидан бири «Капиталбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкидир. Банк фаолиятига назар ташласак, у молия хизматлари бозоридан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Яқинда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ўз-ўзига хизмат кўрсатишга мўлжалланган терминаллар тармоғи фойдаланишга топширилди. Унинг афзалликлари жуда кўп. Шу боис ҳадемай терминаллар сонини 500 тага етказиш мўлжалланмоқда.

Тошкент метрополитени, шунингдек, вилоятлардаги олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа ҳудудларда ўрнатиладиган терминаллар кўпчиликнинг оғирини енгил қилаётгани, қимматли вақтини тежаётгани шубҳасиз. Юқоридаги лойиҳа икки йилга мўлжалланган бўлиб, бу дастлабки босқичдир. Умуман, «Капиталбанк» ОАТБнинг фаолият кўлами анча кенг. Лойиҳа доирасида республика бўйича 3000 та инфокиоск ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Бунда Бухоро, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Фарғона, Нукус, Термиз ва Тошкент шаҳарларидаги 50 дан ортиқ олий таълим даргоҳлари, 70 дан зиёд ўрта махсус таълим муассасалари қамраб олинади. Ўз-ўзига хизмат кўрсатишга мўлжалланган терминалларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар орқали тўловларни нақд пул билан ҳам, пластик карточка орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Банк вакилларининг таъкидлашича, инфокиоскларда ўрнатилган дастурий таъминот барча турдаги, яъни «DUET» (Узкарт) ва «Visa» тизимидаги карталарга ҳам бирдек хизмат кўрсатиш имкониятига эгадир.

Ушбу терминалларнинг афзаллик жиҳатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Дейлик, улар орқали нафақат коммунал хизматлар, балки алоқанинг барча турлари, жумладан, интернет ва бошқа тўловлар учун ҳам бемалол ҳисоб-китоб қилса бўлади.

Кейинги пайтда пластик карточкалар ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Зеро улар ҳар жиҳатдан қулай ва ишончлидир. Шу боис «Капиталбанк» ОАТБ жамоаси ҳам нақд пулсиз тўловлар тизимини кенгайтириш чораларини кўрмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель ҳолатига кўра, банк томонидан чиқарилган пластик карточкалар 94 мингтадан ошди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан икки баробарга кўпдир. Банк пластик карточкаларига эга бўлган кўп минг сонли мижозлар жойларда ўрнатилган 1509 дан ортиқ терминаллар хизматидан фойдаланишмоқда. Қолаверса 1867 дан ортиқ ойлик маош лойиҳалари ҳам шу асосда амалга оширилаётир.

Маълумки, бугун деярли барча соҳаларда интернет муҳим ўрин тутаяпти. Эндиликда банк ишини ҳам усиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Капиталбанк»да ҳам юридик шахслар учун «Интернет-Банк-Клиент» ва «ИнфоСервис» хизматлари жорий этилиб, улар ўз афзаллигини амалда намоён этмоқда. Мазкур тизим мижозлар орасида оммалашиб бормоқда. Сабаби, исталган вақтда — хоҳ ишда, хоҳ уйда ёки хизмат сафарида бўлсин, шахсий компьютер орқали операцияларни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, «Капиталбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ўз мижозларига жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиб, улар эътиборини қозонмоқда. Бундай молиявий ҳамкорлик эса ҳар икки томон учун фойда келтираётир.

Учинчи сектор

# «Меҳр кўзда» аёлларни ҳунарли қилмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ТОБОРА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда ташкил этилган «Меҳр кўзда» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳам аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини ўрганиш, иқтидорли ёшларни тўгаракларга жалб этиш, хотин-қизларни касбга йўналтириш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Келинг, шу ўринда мазкур ННТ томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга бир назар ташлайлик. Марказ грантлар орқали мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бир неча лойиҳаларни рўёбга чиқарди. Жумладан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди молиялаштирган «Аёлларни касаначилик ва оилавий бизнесга тайёрлаш учун ўқув курсларини ташкил этиш» лойиҳасини муваффақиятли амалга оширди. Ушбу лойиҳа доирасида Юнусобод туман ҳокимлиги маънавият-маърифат марказида ўқув курслари ташкил этилди. Натижада ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар тавсия асосида тикиш-бичиш курсларида ҳунар ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Айни кунда тумандаги «Кулолқўрғон» маҳалласи биносида тўқимачилик ва каштачилик бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Марказ саъй-ҳаракати билан «Ўзингга ишон» шўъба корхонаси ҳам ташкил этилди. Корхонага асосан ўқув курсларини тамомлаган хотин-қизлар жалб қилинаётгани диққатга моликдир.

Ана шундай хайрли ишларни амалга оширишда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, Юнусобод туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси Юнусобод туман бўлими, "Ҳунарманд" уюшмаси, туман маънавият ва маърифат маркази, Савдо-саноат палатаси билан яқин ҳамкорлик жуда қўл келаяпти.

— Биз айни кунда Юнусобод туманидаги «Туркистон» МФЙ билан хотин-қизларни тикиш-бичишга ўргатишни бошладик. Касб-ҳунар эгаллаган аёлларни иш билан таъминлаш ҳам диққат марказимизда турган асосий масалалардан биридир. Яқин кунларда O'zLiDePдан сайланган депутатлар ва Савдо-саноат палатаси вакиллари билан учрашув ташкил қилишни режалаштирганмиз, — дейди «Меҳр кўзда» нодавлат нотижорат ташкилот раҳбари Моҳира Тошхўжаева.

Англаган бўлсангиз, «Меҳр кўзда» нодавлат нотижорат ташкилоти жамоасининг мақсади битта. У ҳам бўлса, фаолият доирасини янада кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Анжуман



## КИЧИК БИЗНЕСГА 4,5 ТРЛН. СЎМ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Банклар ассоциациясида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида анжуман ташкил этилди. Бош прокуратура, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, «Камолот» ЁИҲ ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда асосан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалар, хусусан, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, жорий йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес соҳасига 4,5 трлн. сўм кредит сармояси ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ана шу маблағнинг 843 млрд. сўми микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади. Дастлабки чоракнинг ўзида тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес ривожи учун 1 трлн. 185 млрд. сўм маблағ йўналтирилганлиги эътиборга моликдир. Ушбу кредит қўйилмаларининг 97,9 млрд. сўми тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, 9,6 млрд. сўми эса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун сарфланди.

Кейинги йилларда юртимизда жаҳон андозаларига мос банк-молия тизими шаклланди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончи тобора ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Буни тадбирда қатнашган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази вакиллари ҳам алоҳида эътироф этдилар. Анжуман якунида унинг иштирокчилари бу каби фойдали тадбирларни мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказишга келишиб олишди.

Бунёдкорлик

## УРГАНЧ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРМОҚДА



2011-2012 йилларда Урганч шаҳрининг марказий қисмини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, шу асосда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматидан хабар қилинишича, айни пайтда шаҳардаги «Ўзбекистон», Паҳлавон Маҳмуд, Ғафур Ғулом, Анна Герман, Мирзо Улуғбек ва ал- Хоразмий кўчалари, шунингдек, «Ёшлар кўли»даги қурилиш ишларида замонавий архитектура билан миллий меъморчилик анъаналари уйғунлаштирилаяпти. Ғафур Ғулом номли кўчада эса республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи эвазига лойиҳавий қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмга тенг 25x12 ўлчамдаги ёпиқ сузиш ҳавзаси объекти барпо этилди. «Ёшлар кўли» ҳудудида қаҳвахоналар, савдо дўконлари ҳамда болалар учун аттракционлар қурилмоқда. Бундан ташқари, унинг кичик орол қисмида Регистон, Ичан-қалъа, Минораи Калон ва бошқа ноёб тарихий обидаларни эслатувчи меъморий композицияларни бунёд этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Урганч шаҳридаги оқава сув тармоқларини тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Эълон

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманидаги Сагатов Собиржон номидаги Самарқанд дарвоза кўча, Жиззах тор, Хандон берк 6-уйнинг ҳужжатлари йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

«XXI ASR»
2012 йил 19 апрель,
пайшанба,
16 (440)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

Бугунимиз қаҳрамонлари

## Сарҳадларимиз ишончли қўлларда

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҲАРБИЙ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРГА ЭГА, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШДЕК ОЛИЖАНОБ МАҚСАД ЙЎЛИДА ҲАР ҚАНДАЙ ЖАСОРАТГА ТАЙЁР МАРД ВА БОТИР ЙИГИТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ**



Кичик сержант Мирзараҳим Нурматов ҳам Қуролли Кучларимиз сафида мамлакатимиз хавфсизлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳарбийларимиздан бири. Зиммасидаги вазифани шараф билан адо этиб келаётган бу посбоннинг маҳорати, билими, эришаётган ютуқлари кўпчилик сафдошларига ўрнак бўлади.

Илк кунларданоқ шижоати, ақл-идроки ва ҳарб илмига қизиқиши билан командирлар назарига тушган, машғулотлардаги фаоллиги туфайли сафдошларига доим намуна бўлиб келган М.Нурматов муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлиш арафасида ҳаётини шарафли касб билан боғлашга қарор қилди. Армияда олган кўникмаси, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган офицер ва сержантларнинг маҳорати унда ҳарбийликка иштиёқни кучайтирди.

Қайд этиб ўтиш жоизки, фаолиятини шартнома бўйича оддий аскар сифатида бошлаган М.Нурматов Шарқий ҳарбий округнинг сержантлар тайёрлаш мактабида муваффақиятли таҳсил олди. Бугунги кунда у Қуролли Кучларимизда сапёр вазифасида хизмат қилиб келяпти.

— Шарафли касб эгаси бўлишни болаликдан орзу қилганман, — дейди М.Нурматов. — Ўтган вақт мобайнида кўп нарсани ўрганишга муваффақ бўлдим. Билимларим бойиди, тажрибам ошди. Келгусида янада юқори кўрсаткичларни қайд этишга, етук профессионал ҳарбий хизматчи бўлишга аҳд қилганман.

Мирзараҳим Нурматов Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича округ миқёсида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари ҳарбий қисм ва округ миқёсидаги тактик ҳамда ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, жанговар шайликни оширишга қўшган ҳиссаси учун бир неча бор қўмондонликнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. У, шунингдек, «Ҳарбий спортчи» ва «Жанговор тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонларига сазовор бўлган.

Маълумки, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг шонли йигирма йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига кўра юрт ҳимоячиларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишган эди. Улар сафида М.Нурматов ҳам «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Бундай юксак мукофот зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Ватан олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишга рағбат беради, — дейди М.Нурматов.

**Жамшид НИЁЗОВ тайёрлади.**

Янгилик

### ЭНГ УЗУН ОСМА КЎПРИК

Марказий Хитойда чуқур дара устидан ўтадиган дунёдаги энг узун осма кўприк очилди. Узунлиги 1176 метрни ташкил этадиган бу иншоот Хунан провинциясидаги тоғлар орасида қурилди. У Дэхан каньонининг икки томонидаги туннелни бирлаштириб, Чанша ва Чунцин шаҳарларини боғловчи муҳим йўлга айланди. 355 метр баландликдаги жарлик устида барпо этилган мазкур иншоот қурилиши 2007 йилда бошланган бўлиб, у Хитойнинг ўзига хос технологияси бўйича яратилган.

**Дилфуза ҲАБИБОВА тайёрлади.**





## 100-гол

**ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ 4-ТУРИДА «АЛ АРАБИ» (ҚАТАР) КЛУБИ БИЛАН КУЧ СИНАШГАН ТОШКЕНТНИНГ «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ КИЧИК ҲИСОБДА ҒАЛАБА ҚОЗОНГАН ҲОЛДА ЎЗ ГУРУҲИДАГИ МАВҚЕИНИ БИР МУНЧА ЯХШИЛАБ ОЛДИ**

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

Деян Журжевич мураббийлигидаги пойтахтликлар шу куни Доҳада ташкил этилган учрашувнинг дастлабки дақиқаларида майдондаги устунликни мезбонларга топшириб қўйган бўлсалар-да, 25-30-дақиқалардан ташаббусни ўз томонларига оғдиришга эришдилар. Шу ўринда ўйин бошларида бир қатор хавфли вазиятларни яратган қатарликлардан омад юз ўгиргани, бир неча ҳолатда дарвозабонимиз Темур Жўраев ўз маҳоратини намойиш этганини айтиб ўтиш жоиз. Биринчи бўлим тугашига бир неча дақиқа қолганида эса «шерлар» ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Рақиб жарима майдончасида тўп учун охиригача кураш олиб борган Ойбек Қиличев жамоадоши Темурхўжа Абдухолиқовга қулай вазият яратиб берди. Тошкентликларнинг 20 ёшли ҳужумчиси бўш дарвозани ҳеч қандай қийинчиликсиз нишонга ола билди. Мазкур тўп ОЧЛ ташкил этилганидан буён (2003 йил) турнирнинг барча мавсумий баҳсларида иштирок этиб келаётган «Пахтакор»нинг мазкур беллашувлардаги 100-голи сафатида қайд этилди.

Иккинчи бўлимни кўтаринки руҳда бошлаган Журжевич шогирдлари бир неча бор орадаги фарқни ошириш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ мазкур вазиятларда яна ўша тиниб-тинчимас Темурхўжа Абдухолиқов, шунингдек, Шерзод Каримов ва Дилшод Шарофиддиновларнинг зарбаларига аниқлик етишмаган бўлса, Қиличев томонидан ўзига хос усулда тепилган тўп тўсинга тегди-ю, дарвозага кирмай қолди.

Учрашувнинг 75-дақиқасида шу куни «Пахтакор» сафида фаол ҳаракат қилган футболчилардан бири — Ойбек Қиличев рақибга иккинчи маротаба қўполлик ишлатгани сабабли ҳакам томонидан қизил карточка билан жазоланди. Шундай бўлса-да, салкам 20 дақиқа давомида бир ўйинчи кам бўлиб тўп сурган футболчиларимиз ҳисобни сақлаб қолишга эришдилар.

«Пахтакор»нинг гуруҳдаги бошқа икки рақиби — «Банияс» (БАА) ва «Ал Иттиҳод» (Саудия Арабистони) ўртасида ўтказилган ўйинда голсиз дуранг қайд этилгани боис, «шерлар» ҳисобларидаги 7 очко билан иккинчи поғонага кўтарилиб олишга муваффақ бўлдилар.

Энди пойтахт жамоаси 2 май куни Тошкентда ўтказиладиган 5-тур баҳсида «В» гуруҳи пешқадами — «Ал Иттиҳод» билан беллашади. Эслатиб ўтиш жоиз: кейинги босқичга гуруҳда биринчи ва иккинчи поғоналарни банд этган жамоалар йўл олади. Фарқли томони шундаки, гуруҳда энг кўп очко тўплаган жамоа бир ўйиндан иборат 1/4 финал учрашувини ўз майдонида ўтказиш имкониятига эга бўлади. Иккинчи ўринни банд этган клуб эса «плей-офф»даги рақиби билан сафарда беллашади.

* * *

Кеча мазкур турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна икки клуб — «Бунёдкор» ва «Насаф» ҳам навбатдаги тур учрашувларини ўтказди. Хусусан, «Жар» стадионида Япониянинг «Гамба Осака» жамоаси билан беллашган «қалдирғочлар» 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган бўлсалар, Қарши Марказий ўйингоҳда ташкил этилган «Насаф»-«Ар Райян» (Қатар) учрашувида 0:1 ҳисоби қайд этилди.

| | Ў | Ғ | Д | М | Т-н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Ал-Иттиҳод» | 4 | 3 | 1 | 0 | 8-1 | 10 |
| 2. «Пахтакор» | 4 | 2 | 1 | 1 | 5-6 | 7 |
| 3. «Банияс» | 4 | 1 | 2 | 1 | 3-2 | 5 |
| 4. «Ал-Араби» | 4 | 0 | 0 | 4 | 2-9 | 0 |

Об-ҳаво




*Ўқитувчи болаларга йил фасллари ҳақида тушунча бермоқда: «Қиш — совуқ. Баҳор — ҳаммаёқ гуллаган. Ёз — иссиқ. Куз эса мева ва сабзавотларга бой». Сўнгра савол берди:*
*-Абдуллажон, қани айтчи, олма ейиш учун энг яхши пайт қачон ҳисобланади?*
*- Қачонки, боғда ҳеч ким бўлмаса, ит ҳам боғланган бўлса, мазза қилиб олма ейиш мумкин!*

Гидрометеорология маркази хабарига кўра, **19-26** апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси **13-18**, кундузи **30-35** даража илиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида шамол шарқдан **7-12** м/с. тезликда эсиб, ҳарорат кечаси **13-18**, кундузи **30-35** даража илиқ бўлади. Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Самарқанд вилоятида **21-23** апрель кунлари айрим жойларда бироз ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **28-33** даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси **15-20**, кундузи **30-35** даража илиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳарорат кечаси **12-17**, кундузи **28-33** даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, шамол шарқдан **5-10** м/с. тезликда эсади. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **28-33** даража илиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, **21-23** апрель кунлари айрим жойларда ёмғир ёғади. **2500** метрдан юқорида қор кўчиш хавфи бор. Ҳарорат кечаси **7-12**, кундузи **20-21** даража илиқ бўлади.

Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 4370. Тираж: 18 536
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.